


Муҳаббат Эркинжон кизи

# МЕН ЎЗБЕК ҚИЗИМАН

*Шеърлар*

«ФАРҒОНА» НАШРИЁТИ  
НАЗОРАТ НУСХА

«ФАРҒОНА» нашриёти,  
2013



УДК:821.512.133-1

КБК:84(5Ў)7

Э78

Узб. адаб.

**Эркинжон қизи, Муҳаббат (Хусанова)**

**Мен ўзбек қизиман /Шеърлар/ М.Эркинжон қизи –  
Фарғона: «Фарғона» нашриёти, 2013 й. –32 бет.**

*Она юрт ҳақида фахрланиб суз айтиши, шеър битиши – бахт. Ёш қаламкаш Муҳаббат Эркинжон қизи шундай тотли туйғудан куч олиб ижод қилади. Натижада, аксарият шеърларида ёрқин ранглар, кўтаринки оҳанглар устунлик қилади. Нурли орзу-умидларга тўла навқирон қалбдан тўкилган самимий ва беғубор битиклар ўз ўқувчисини топишини истардик.*

УДК:821.512.133-3

КБК:84(5Ў)7

ISBN 978-9943-349-96-4

10 41761  
0

© Муҳаббат Эркинжон қизи, 2013  
© «Farg'ona» нашриёти, 2013

2014/8 А 591	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
--------------------	--

## ИЖОД СЕҲРИ БИЛАН ЯШАЙДИ

Дунёга кўнгил кўзи билан боққан инсонгина ўзгалар пайқаманган мўъжизаларни кўра билади. Муҳаббат Эркинжон кизи худди ана шундай ижодкорлардан бири. “Фарғона овози” газетаси таҳририяти қошида ташкил этилган ёш қаламкашларнинг “Янги авлод” тўгараги аъзоси.

Ёш шоиранинг ижод намуналарини ўқир экансиз, Она Ватанга бўлган фарзандлик муҳаббати, садоқати, атрофдагиларга бефарқ эмаслиги, қалбида бир олам орзулар билан яшаётгани шундоққина намоён бўлади. Юртимиз хурлиги, кўнгиллар ободлиги, осмонимиз тинчлиги, одамларнинг бир-бирига бўлган меҳр-оқибати ҳақида ёниб-ёниб ёзади.

“Ватан” деб номланган шеърда:

*Обод юртим, кезиб бағрингда -*

*Гўзалликдан яйрайди таним.*

*Дунё бўйлаб қулочин ёйган,*

*Ўзбекистон – озод Ватаним!*

– дейди шоира бугунги мустақиллик берган бахтдан руҳланиб.

Муҳаббатхон – Қўштепаннинг қизи. У Юртбошимиз Ислон Каримов раҳнамолигида давлатимиз томонидан ёшларга яратиб берилаётган имкониятлардан фойдаланиб, келажакда халқ дардини айта оладиган, юртдошлари меҳнатини ардоқлайдиган ижодкор бўлишга ҳаркат қиляпти, изланияпти.

Устоз сифатида, ижод сеҳри билан яшаётган ёш шоирага шеърят гулшанида ўз гулзорини яратишида омадлар ёр бўлишини чин дилдан тилаб қоламан.

*Муҳаббат ИБРОҲИМ қизи,  
шоира*



## ЎЗБЕКИСТОН

Яшаймиз хур ва озод,  
Бахтиёр кексаю ёш.  
Кўнгилларимиз обод,  
Кўзларда порлар куёш.

Мустақил бўлдинг, Ватан,  
Қаддимиз бўлди тикка.  
Сенга фидо жону тан,  
Нима етсин хурликка?!..

Юртбошимиз мадакдор,  
Йўл кўрсатар ёшларга.  
Халқинг бўлди бунёдкор,  
“Жон киритди” тошларга.

Атроф тўла гул, лола,  
Ифор таратар ҳар ён.  
Ўйнаб кулар ҳар бола,  
Тинчлик эрур ҳукмрон.

Сен биз учун суюксан!  
Қучоғинг жаннатмакон.  
Тенги йўк бир буюксан,  
Мустақил Ўзбекистон!



## **ВАТАНИМ**

Сен ҳақингда ўйласам, Ватан,  
Вужудимни чулғар хаяжон.  
Кўз тегмасин ой жамолингга,  
Ўзбекистон бахтим – Онажон!..

Юртбошимиз айтган сўзларда,  
Қамолингни кўраман, юртим.  
Мадҳинг янграр кўшиқларимда,  
Сенга атаб ғазаллар битгум.

Болажонлар орзулари мўл,  
Келажагинг улар қўлида.  
Мустақиллик – ёққан маёгинг  
Нурин сочар улар йўлида.

Обод юртим, кезиб бағрингда  
Гўзалликдан яйрайди таним.  
Дунё бўйлаб қулочин ёзган,  
Ўзбекистон – озод Ватаним!



## **ОНА ҚИШЛОҒИМ**

Майсалар тўшалган мисоли бахмал,  
Қаёқка караманг, гуллар ифори.  
Тупроғи мен учун азиз нақадар,  
Бахтимсан, фаҳримсан, она қишлоғим!

Узумлар ялтирар мисоли олтин,  
Кўзни қамаштирар шундай ишкоми.  
Гўзаллик мавж урар боғингда сенинг,  
Бахтимсан, фаҳримсан, она қишлоғим!

Чиройингга боқиб кўзлар қамашар,  
Минг дардга даводир суви, булоғи.  
Обод турмушингга тўйлар ярашар,  
Бахтимсан, фаҳримсан, она қишлоғим!

Беғубор ёшлигим ўтган бағрингда,  
Сенга муҳаббатим йўқдир адоғи.  
Яна ҳам етяпман бугун қадрингга,  
Бахтимсан, фаҳримсан, она қишлоғим!



## **МЕН ЎЗБЕК ҚИЗИМАН**

Жаннатмакон юртда туғилиб ўсдим,  
Тинчлик осмонининг бир юлдузиман.  
Орзуларим бисёр, йўқ каму кўстим,  
Мен ўзбек қизиман, ўзбек кизиман.

Дунёга танилган боболарим бор,  
Илм нурларидан баҳра оламан.  
Дилдан куйламоққа айтар сўзим бор,  
Сенинг ишқинг билан шундай ёнаман!..

Ватан! Вужудимда бир ажиб титроқ!..  
Сенга керак бўлса, жонимни берай.  
Заррангдан яралдим, эй, азиз тупроқ,  
Ўзбекистон-онам, ўзим ўргилай!..

Озодлик барқ урган Ватан нурафшон,  
Бахтиёр элимнинг кўрар кўзиман.  
Истиклол ёритган мукаддас ошён,  
Ўзбекистон қизи, ўзбек кизиман!



## **МУНАВВАР ҲАЁТНИНГ ҲАР ДАМИ ГЎЗАЛ**

Мунаввар ҳаётнинг ҳар дами гўзал,  
Гўзалликка тўймас бу ошиқ дилим.  
Юз очар кўксимда янги бир дунё,  
Гурсиллаб уради юрак бетиним!..

Оппок хотиралар тушар ёдимга,  
Шарқираб оқкандай бўлади вақт ҳам.  
Қаламим ёзади тўхтамай, тинмай,  
Чиройли бўстонга айланар олам!..

Майсалар бахтиёр тебранар сокин,  
Димокқа уради ялпизнинг иси.  
Ўзин кўз-кўз қилар она табиат,  
Юракда тугилар янги шеър хисси!..

Ловиллаб ёнмоқда қуёш юзлари,  
Таскин изламоқда ўзи-чун само.  
Ҳамон кипригимга илинмас уйқу,  
Бу кун менинг учун қалам раҳнамо!..



## ЭРКИНЛИК ҲИССИ

Қалбимнинг хумори, эзгу ояти,  
Буюк ниятлардан яралган олам.  
Истикбол – Аллоҳнинг бир инояти,  
Мадҳингга шеър битиб толмайди калам.

Мустақил диёрим мисоли жаннат,  
Кўнгилда бир эзгу ниятлар бисёр.  
Сенда макон топган ҳар битта миллат,  
Сен билан юракда фахр, ифтихор.

Қоракўз турналар учмоқда шодон,  
Мусаффо орзулар қанотларида.  
Мен ҳурлик сурурин туяман, инон,  
Сайроқи қушларнинг баётларида.

Жамолинг кундан-кун очмоқда чирой,  
Турмушимиз обод, обод кўнгиллар.  
Истикбол йўлларин ёритмоқда ой,  
Эркинлик хиссини туймоқда диллар.



## ШУКРОНА

Бандаман, ожизман ё бир касман мен,  
Бу фоний дунёда битта хасман мен.  
Во ажаб! Яхшилар ичра гавҳару,  
Номардлар ичида кадри пастман мен.

Йўлларим гоҳ ёруғ, гоҳи зимистон,  
Гоҳ сахро каби кум, гоҳида бўстон.  
Шеър ишки мени кўп айлар девона,  
Дил шавки яратар яна бир дoston.

Шеър битар бу кўнглим, баҳоли-кудрат,  
Омонат ҳар нафас, омонат дамим.  
Менга бердинг шундай улуғ истеъдод,  
Шукрона айтаман сенга, эй, Танграм!



## **МЕХР ҚУЁШИМ**

Хокисор онамга ўзгача меҳрим,  
Кўксига бош қўйсам қайноқдир тафти.  
Меҳр бешигида оламан ором,  
Дуога очилар ҳар қуни кафти.

Ҳар нафас болам деб ўтказар умрин,  
Мурғак юрагимни асрагай жонда.  
Фарзандига берар доим қалб қўрин,  
Онадай меҳрибон борми жаҳонда?..

Унинг чехрасига тортилган чизик,  
Беаёв, бешафқат ҳаёт излари.  
Фарзандлари учун жонини тикиб,  
Яшаган бир аёл – сўлгин юзлари!

О, менинг мушфиким, меҳр қуёшим,  
Дунё юрагини тутдинг қўлимга.  
То умрим борича эгайин бошим,  
Жонимни тикайин, Она, йўлингга.

Меҳр қуёшимни йўқотмасам, бас!



## МАНЗАРА

Самода покликнинг нури таралар,  
Замин вужудида туғилар ҳаёт.  
Тупрокда бўй чўзар митти бир ниҳол,  
Шоирнинг қалбида янги бир баёт.

Гулларни эркалаб эсар шаббода,  
Маст айлар қушларнинг оташ қўшиғи.  
Шундай ҳислар кезар ажиб маъвода,  
Табиат, мен – сенинг чиндан ошиғинг.

Қаранг рақс айлаган жилғалар томон,  
Дунё гузаллиги бағрига чорлар.  
Булоқлар айтади алёрлар ҳамон,  
Икбол йўлларида юлдузлар порлар.

Осмонда гумбурлар момақалдирок,  
Фараҳбахш бу кеча тўлар зиёга.  
Сукунат енгилар, яна мусаффо  
Янги тонг чарақлаб келар дунёга.



## ХАЁЛЛАРИМ

Ногоҳ кўзларимдан уйқулар кочди,  
Хаёлан кўкларда парвоз этарман.  
Самода юлдузлар нурини сочди,  
Гўё мен қўл чўзсам, ойга етарман!..

Қаро тун бағрида ёлғизлик устун,  
Сукунат қўйнида турибман хайрон.  
Наҳот, хаёлимга мен бўлдим тутқун,  
Ўжар юраккинам бўлмокда вайрон.

Ўйлар вужудимга солмокда титроқ,  
Хаёллар бағрига сингиб кетаман.  
Қачон тугар экан дилимда фироқ,  
Орзулар васлига қачон етаман?..

Минг шукур, ёнимда мен излаган моҳ!..



## **БОЛАЖОН**

Аллоҳнинг энг ширин неъматини ўзинг,  
Бу обод турмуш ҳам сен-ла мустаҳкам.  
Ҳеч ким намламасин, болажон, кўзинг,  
Ҳаётинг яшнасин, бўлсин у бекам.

Зангори осмондек тиник, мусаффо,  
Беғубор орзулар бисёрдир дилда.  
Мустақил диёрда камолга етгин,  
Юртбошинг мадаккор бу катта йўлда.

Пахлавон бир фарзанд бўлиб улғайгин,  
Эл-юрт ишончини оқлагин, болам.  
Юртимиз тинч бўлсин сенинг бахтингга,  
Ҳаёт бўстонида очилган лолам!..



## **МУҲАББАТИМ**

Келмадинг-ку, юрак ёниб кутганимда,  
Дилим оғриб, аччик азоб ютганимда,  
Керакманми бу аламдан ўтганимда?  
Менинг ёлғиз армонимсан, муҳаббатим.

Севги асли севги эмас, армон экан,  
Дунёйимиз ҳаммага тенг макон экан,  
Севиб туриб, севилмаслик ёмон экан,  
Менинг ёлғиз армонимсан, муҳаббатим.

Осмон олис, кўлим чўзиб, етолмайман,  
Ер ҳам қаттиқ ерга кириб кетолмайман,  
Ўзга юрак деразасин чертолмайман,  
Менинг ёлғиз армонимсан, муҳаббатим.

Қароғимдан окмай қолди кўзим ёши,  
Дунёларга сиғмай қолди азиз бошим,  
Менга вафо қилмай кетди, оҳ, сирдошим,  
Менинг ёлғиз армонимсан, муҳаббатим.

Боғимдаги атиргулим сўлмаяпти,  
Дил тубида бир кемтик бор, тўлмаяпти,  
Хотиралар унутишга кўнмаяпти,  
Менинг ёлғиз армонимсан, муҳаббатим.

Айрилиқнинг деворларин бузолмадим,  
Ўзга бахтнинг борлигини сезолмадим,  
Севги мадҳин бундан ортик ёзолмадим,  
Ёлғизгина армонимсан, муҳаббатим.



## **МАТОНАТ ТИМСОЛИ**

Гулзор ичра гўзал гулсан, гулойимсан,  
Барчага тенг меҳрибону мулойимсан.  
Сен малаксан, фариштасан, бегойимсан,  
Буюкликнинг тимсолисан, азиз аёл.

Увайсий-у Тўмарислар қони сенда,  
Бибахоним матонати, шони сенда.  
Номус - орнинг мартабаси, шони сенда,  
Эзгуликнинг тимсолисан, азиз аёл.

Йўқдан борни пайдо қилган пазандасан,  
Бегинг учун ҳам эрқаю арзандасан.  
Ширин, Лайли, Зухроларнинг фарзандисан,  
Юксакликнинг тимсолисан, азиз аёл.

Гўзаллигу нафосат ҳам сенда бисёр,  
Кечалари кўз юммайсан бўлиб бедор,  
Ўзингни ҳам ўйласанг-чи, эй гулнигор,  
Садоқатнинг тимсолисан, азиз аёл.

Зарҳал билан битилгайдир аёл номинг,  
Синовлардан ўтар доим ҳар бир онинг.  
Тилай сенга, омон бўлсин азиз жонинг,  
Матонатнинг тимсолисан, азиз аёл!



## МУАЛЛИМЛАРГА

Ниҳол эдим тупрок кўйнида,  
Дарё эди орзу-ўйларим.  
Бу муқаддас даргоҳ пойида,  
Ривож топди билим йўлларим.

Юзларингиз куёшдек нурли,  
Еру осмон сизга таъзимда,  
Бахтиёрман бу кун чин дилдан,  
Сизни қутлай, шундай базмда!

Ўқувчингиз сиз учун ёзар,  
Қалбидаги илиқ сўзларни.  
Йиллар ўтса унутманг асло,  
Мендек гўзал каро кўзларни.

Шеър битаман, қалам ёзади.  
Тиним билмас янғрок овозим.  
Кўзингиздан оқмасин ҳеч ёш,  
Сизга таъзим, улуғ устозим!

2014/8 А 591	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
--------------------	--



## ЯШАШ ЗАВҚИ


Яна кўзларимда сенинг суратинг,  
Уни беркитмоққа излайман чора.  
О, ҳаёт, бунчалар гўзал сийратинг,  
Севиб бораяпман сени тобора.

Мурғак юрагимда армонлар яшар,  
Бу ғамлар қилди-ку қаддимни камон.  
Йўлимга айрилиқ поёндоз тўшар,  
Кўзларим толди-ку, рангларим сомон.

Кузги япроқ каби тўкилар умрим,  
Қонимда жўш урар яшамок ҳисси.  
Бу ёруғ дунёдан кетгим келмайди,  
Ҳаёт, сени севар қалбим – боиси.

Суманбар насимлар уйғотар меҳрим,  
Жаранглар кўксимда бир ажиб овоз.  
Сенга – муҳаббатим, сенга – изхорим,  
Сенда яшаш тотли, сенда яшаш соз.

Сени куйламоққа чоғландим шу дам,  
Кечдим бор ҳасрату аламларимдан.  
Ширин орзулар-ла ташладим қадам,  
Байтлар тўкилмоқда қаламларимдан.





## ҲАЁТ НАФАСИ

Ёмғир савалайди, ёғар беаёв,  
Бу ғамгин кўнглимни тирнар томчилар.  
Боғларни кезаман, кезаман яёв,  
Мурғак юрагимни эзар қамчилаб...

Нимадир қийнайди бор хилқатимни,  
Осмон ҳам кулмайди, чиқмайди офтоб.  
Юракда йиғлаган муҳаббатимни  
Ахир билар кўкда ҳилол, моҳитоб...

Мурғак юрагимни тирнар томчилар...



## **НАВРЎЗИ АЙЁМ**

Юртимнинг чиройи очилди яна,  
Турфа гўзалликка бурканди олам.  
Она диёримда тўю тантана,  
Яна кириб келди Наврўзи айём!

Одамлар юзида акс этар шодлик,  
Маҳалла, гузарда байрам нафаси.  
Бу кун замин узра кезар озодлик,  
Нахор эшитилар булбуллар саси.

Ассалом, Наврўз деб, пичирлар аста,  
Ернинг бағрин ёриб чикқан бойчечак.  
Ифорлар таратиб тутар гулдаста,  
Янги кун Баҳори – сахий келинчак.

Баҳорий ҳисларга тўлади олам,  
Яна кириб келди Наврўзи айём!



## **БАҲОРОЙИМ**

Алла айтиб эркалайсан чаманларни,  
Тебранишлар сенга кўшиқ, наво бўлар.  
Таратасан диллар аро анбарларни –  
Баҳоройим, вужудимга илхом тўлар!

Далаларни коплар яна қизғалдоқлар,  
Очилади алвон бўлиб йўлларингда.  
Гулдасталар такар шўхчан қизалоқлар,  
Қувнашади Наврўз билан тўйларингда.

Совук кунлар қолар энди йирокларда,  
Момо ерим баҳра олсин тафтларингдан.  
Қут-барака тўлсин ҳар бир хонадонга,  
Келақолгин, тутай нозик қафтларингдан.



## **ЎТ БАҒРИГА ЧОРЛАЙДИ**

Ишқ азоби қийнар юрагим,  
Нозик калбим ўртайди ҳижрон.  
Менинг унга борми керагим,  
Дилим менинг вайрондир, вайрон.

Сўзларимда олов-аланга,  
Ёндиради тинмай бир нафас.  
Жоним сиғмас гўё танамга,  
Дунё бўлди менга тор кафас...

Чин бахт нима? Билмоқ истайман  
Бахтлиларнинг сабоқларидан.  
Умидларим кучмоқ истайман,  
Орзуларнинг канотларида!..

Ўт бағрига чорлайди ҳаёт,  
Интиламан ўша ишқ томон.  
Қалқиб турар кўзларимда ёш,  
Сени кутар жимгина ҳамон...  
Муҳаббатим!..



## **КЎЗИНГНИ ОЧ**

Одамларга не етишмас, кўзлар хайрон,  
Бир-бирларин ранжитишар, қалблар вайрон.  
Инсонийлик туйғусидан кечиб осон,  
Эй, одамзот, кўзингни оч бу дунёда.

Гиёҳвандлик, киморбозлик бўлса одат,  
Ахир биздан юз ўгирар бахт-саодат.  
Яратгандан паноҳ сўраб, қил ибодат,  
Эй, одамзот, кўзингни оч бу дунёда.

Бир-биридан ўзай дейди борган сари,  
Вафо қилмас ҳеч кимсага зар, пуллари.  
Асқотмайин қолар тожу-тахтнинг бари,  
Эй, одамзот, кўзингни оч бу дунёда.

Умрингни бер, бори кетсин , бил, савобга,  
Кўнгил қўйма, маишатга ё шаробга.  
Дучор бўлма машаққату изтиробга,  
Эй, одамзот, кўзингни оч бу дунёда.



## **ШОИР ДАРДЛАРИ**

Кўнгил торларида яралар байтлар,  
Орзуга йўғрилар ҳар лаҳза, ҳар он.  
Уйғонар дилдаги мудраган ҳислар,  
Самонинг бағрида ловуллар туғён.

Хаёллар тарқоқдир кани, қаёқда?..  
Гоҳ кулар бу қалбим, гоҳ йиғлар чунон.  
Ҳаяжон, ҳисларим кезар ҳар ёқда.  
Яратиб янгидан қатта бир дoston.

Шеър ёзиб овунар бу хаста кўнгил,  
Бокира туйғулар тўкилар дилдан.  
Халқимга қиламан минг бора қуллук,  
Менинг ёзганларим бари кўнгилдан.



## **МЕН УЧУН КЕРАКСИЗ**

*(Умр йўлдошимга)*

Жисмимни қоплади ажиб бир сеҳр,  
Қалбимга муҳрлаб ўтли номини.  
Ҳадя қилди чексиз садокат, меҳр,  
Оташ муҳаббатнинг истехкомини.

Тақдир синовларин ўтказдик бирга,  
Ҳаёт йўлларида бўлдик чин ҳамроҳ.  
Ишондим севги деб аталган сирга,  
Дилларни боғлади муқаддас никоҳ!..

Минг шукур, суянчим, бахтим ёнимда,  
Сиздан илҳом олар кўнгил баётим.  
Мен учун кераксиз ҳар бир онимда,  
Сиз-ла гўзал менинг бутун ҳаётим.



## АЗИЗ ОДАМЛАР

Хотира майдони жим турар ҳамон,  
Кадр топмоқдадир бу кун номингиз.  
Сизга куллуқ қилар ҳаттоки осмон,  
Мудом юксалмоқда шавкат-шонингиз.

Шундай замон келди тинчлик ҳукмрон,  
Сиз сабаб мусаффо, ҳур осмонимиз.  
Кунларимиз ҳуррам, кунлар фаровон,  
Бизларни асраган, сиз посбонимиз.

Хотира-кадрлаш кунидир бугун,  
Кимгадир отасиз, ким учун жигар.  
Дилларда ечилар аламли тугун,  
Хотира уйғонса гўзалдир агар.

Тўкин ҳаёт сари элтдингиз бизни,  
Йирокларда қолди аламли дамлар.  
Бугун хотирлаймиз пок руҳингизни,  
Мангуликка кетган азиз одамлар.



## МУҚАДДАС АЁЛ

Кўллари меҳнатда каварган минг бор,  
Бардоши ҳаттоки ёрар тошларни.  
Андиша, ор-номус унга ифтихор,  
Кўрсатмас кўзидан оққан ёшларни.

Бир умр асрайди оила шаънин,  
Гард ҳам юқтирмайди унинг номига.  
Сувдан ҳам зилолроқ, ойдан-да хилол,  
Ачинмайди асло азиз жонига.

Боласин эркалар беклардек суйиб,  
Сабридан андоза олгандир тоғлар.  
Қийноққа солсалар куттириб кўйиб,  
Ширин сўзларидан яралар боғлар.

У кимга опадир, кимгадир сингил.  
Кимга мунис она, ким учун қайлик.  
Муҳаббат – севгини яратган кўнгил,  
У шундай пок эрур, ой, куёш янглиғ.



## ЎКСИНМАНГИЗ

Ўғлим йўқ деб, ўксинмангиз, Онажоним,  
Ўнта ўғил ўрнин босар кизингизман.  
Сизни кўрсам сиғмай кетар ҳаяжоним,  
Мағрур туриб айтинг, Она, сўзингизни!

Белингиздан қувват кетиб кексайганда,  
Асо бўлиб қаддингизни тиклагайман.  
Ўғли борлар, ўғлим бор, деб қувонганда,  
Ўғил бўлиб, хожиликни қутлагайман!

Керак бўлса, жоним фидо қилай, майли,  
Ахир сиз-ку, менинг учун жон - жаҳоним.  
Нима топган бўлсам, бари сиз туфайли,  
Ўксинмангиз, ўғлингиз бор, Онажоним!



## ДЎСТИМГА

Бағримни тилкалар маънос ёмғирлар,  
Бағритош бу дунё кулар устимдан.  
Худди наштар каби ёмон оғриқлар,  
О, тақдир айирди ёлғиз дўстимдан!..

Юлдуздан ҳам йирок борар масканим,  
Ҳасрат гир айланар тан-у жонимда.  
Юракка санчилар тақдир тикони,  
Бир дилкаш бўлсайди ҳозир ёнимда.

Жонимга-жон эди, кулгумга шерик,  
Бир бора келсайди ёнимга қайтиб.  
Қўл ушлаб юрардик боғу роғларда,  
Енгил тортардим қалб дардларин айтиб.

Оёғим остида ёрилар ерлар,  
Сени соғинаман яна мен бугун.  
Тупрокни авайлаб босгим келади  
Бағрида, дўстим, сен борлигинг учун!



## ОТАМ

*(раҳматли қайнотамга)*

Қабрингизга нурлар тўлсин, Отажоним,  
Оби зам-зам тўксин сиз учун осмон.  
Лек ҳамон бағримни тилар бир армон,  
Ёруғ дунёларга сиғмаган отам.

Бугун дастурхонда бисёр ноз-неъмат,  
Дилимни эзмокда бир ғашлик фақат.  
Сизсиз яшамокка етарму токат,  
Ёруғ дунёларга сиғмаган отам.

Олтмиш беш баҳорга етмай ёшингиз,  
Кўп бор машаққатлар кўрди бошингиз.  
Афсус, бўзлаб қолди бахт йўлдошингиз,  
Ёруғ дунёларга сиғмаган отам.

Бўлдингиз умримни яшнатган хилкат,  
Менга берганингиз – сабр-қаноат.  
Намозимда айтай сизга минг раҳмат,  
Ёруғ дунёларга сиғмаган отам.

Рухингиз шод бўлсин, қилай тиловат,  
Сизга ҳамроҳ бўлсин Қуръони оят.  
Кўрганингиз бўлсин жаннат, ҳидоят,  
Ёруғ дунёларга сиғмаган отам.

## Мундарижа

Ижод сеҳри билан яшайди.....	3
Ўзбекистон.....	4
Ватаним.....	5
Она қишлоғим.....	6
Мен ўзбек қизиман.....	7
Мунаввар ҳаётнинг ҳар дами гўзал.....	8
Эркинлик ҳисси.....	9
Шукрона....	10
Меҳр куёшим....	11
Манзара....	12
Хаёлларим....	13
Болажон....	14
Муҳаббатим....	15
Матонат тимсоли....	16
Муаллимларга....	17
Яшаш завқи....	18
Ҳаёт нафаси....	19
Наврўзи айём....	20
Баҳоройим....	21
Ўт бағрига чорлайди....	22
Кўзингни оч....	23
Шоир дардлари....	24
Мен учун кераксиз....	25
Азиз одамлар....	26
Муқаддас аёл....	27
Ўксинмангиз....	28
Дўстимга....	29
Отам....	30

1500 сўм.

*Адабий-бадиий нашр*

## **МУҲАББАТ ЭРКИНЖОН ҚИЗИ**

*Шеърлар*

<i>Мухаррир:</i>	О.Тсмирова
<i>Тех. муҳаррир:</i>	Н.Ҳошимов
<i>Дизайнер:</i>	О.Фозилова

Нашриёт лицензияси: А1 №. 162. 2009 йил 14 август.

Теришга берилди: 01.11.2013 йил.

Босишга рухсат этилди: 06.12.2013 йил.

Ҳажми 84x108  $\frac{1}{32}$ . Офсет усули. Times гарнитураси.

Шартли босма табағи: 2,5. Нашриёт босма табағи: 2,0.

Адади: 500 нусха. Буюртма № 2470

Баҳоси келишилган нарҳда.

«ФАРҒОНА» нашриёти.

150100. Фарғона шаҳри, Сохибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

“ПОЛИГРАФ-ПРЕСС” МЧЖ босмахонаси.

151111. Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 “Б” уй.